Гос. книжная палата УзССР
Р-90894

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 9 август, сешанба № 126 (21.730). Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Ўзбекистонга ташрифим чоғида менга кўрсатилган меҳмондўстлик учун Сизга астойдил миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Сизнинг гўзал мамлакатингизда олиб борган музокараларим, шунингдек яҳудийлар мероси ҳам ўзига хос из қолдирган қадимий Самарқандга унутилмас ташрифим халқларимиз ва мамлакатларимиз муштарак манфаатларга эга эканлигини кўрсатди. Самимий суҳбатларимиз мобайнида Ўзбекистонни ривожлантириш учун Сиз танлаган йўлни юксак баҳолаш имконига эга бўлдим. Айни шундай ёндашув XXI аср бўсағасида мамлакатингизнинг ҳар томонлама равнақига ёрдам беради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун бундан буён ҳам саъй-ҳаракатимизни аямаймиз. Бу ҳамкорлик Сиз билан муҳокама қилган соҳаларда амалга оширилади. Энг аввало бу — қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, саёҳатчилик, иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорликдир. Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, халқларимиз фаровонлиги йўлида кўпгина ишлар қилиниши зарур ва мен ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш учун бутун куч-ғайратимни сафарбар этаман.

Жаноби олийлари, мени ва делегациямиз аъзоларини самимий қабул қилганингиз учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор қилмоқчиман. Музокараларимиз тез орада яна давом эттирилади, деб умид қиламан.

Самимият билан
Шимон Перес,
Исроил Ташқи ишлар вазири.

ТАШКИЛОТ ҚЎМИТАСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

6 август куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз мустақиллиги кунининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Яқинда республика Президенти Ислом Каримов ушбу муҳим тадбирга тайёргарлик ишлари қандай бораётгани билан танишиб, халқимиз ҳаётидаги буюк байрамни ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтказиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган, бу борада тегишли йўл-йўриқлар берган эди. Йиғилишда улар қандай ижро этилаётгани муҳокама қилинди. Тегишли вазирлик ва идоралар вакилларининг ана шу хусусдаги ахбороти тингланди.

Йиғилишда қутлуғ байрамга пухта ҳозирлик кўриш, айниқса, кенг кўламли ободончилик юмушларини вақтида амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

ЎзА.

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Андижонда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида қўйилган вазифалар асосида Андижон вилояти халқ хўжалиги тармоқларидаги камчиликларни тугатиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Қ. Обидов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи Президент нутқида баён этилган камчиликлар Андижон вилоятида ҳам мавжудлигини қайд этиб, айниқса аҳолига хизмат кўрсатишда, алоқа, транспорт ва савдода қатор нуқсонлар борлигини таъкидлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов сўзга чиқди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Юқори Чирчиқ туманидаги «Соҳибкор» давлат хўжалиги боғбонлари бу йил эл дастурхонига кўплаб мева ва узум етказиб беришга аҳд қилишган. Уларнинг нияти режадаги 175 тонна ўрнига 200 тоннадан зиёд мева ва узум етиштириш.

Суратда: хўжалик раҳбари Бозорбой Эшонов, ишчилардан Солимуҳаммад Аҳмадалиев ва Нуриддин Кўчарбоевлар билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

И. ТЎЛИСБОЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада дори-дармонлар сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан «Республикада дори-дармонлар ва тиббий жиҳозлар билан таъминлашни яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча дорихона муассасаларида чекланган чакана нархларда сотиладиган дори-дармонларнинг рўйхати келтирилган ва уларни сотиш қоидалари тасдиқланган.

Адлия вазирлигига бошқа манфаатдор идоралар ва вазирликлар билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий қонунбузарликлар Кодексига дори-дармонлар ва тиббиёт жиҳозларини сотиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтирувчи ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқиш топширилди.

Давлат мулкини бошқариш ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ва «Дори-дармон» давлат акционерлик уюшмасига 1994 йилнинг иккинчи ярмида дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича ташкилий тадбирларни амалга ошириш топширилди.

«Ўзфармсаноат» концернига Ўзбекистон Фанлар академияси, Давлат фан ва техника қўмитаси ва «Экосан» халқаро жамғармаси билан биргаликда республикада маҳаллий гиёҳлар хомашёсидан дори-дармон тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқ берилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига Миллий банк ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Европа Иттифоқи комиссияси дори-дармонлар ва тиббий жиҳозлар импорти бўйича берган кредитни сентябрь ойида расмийлаштириш тавсия этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига «Дори-дармон» уюшмаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларига дори-дармонлар, вакциналар ҳамда тиббиётда қўлланиладиган жиҳозларни сотиб олиш учун марказлашмаган манбалардан молиявий маблағ, валюта ажратиш тўғрисида кўрсатма берилди.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

• *Зафар муборак*

УЛКАН ҒАЛЛА ХИРМОНИ

● Қашқадарё вилояти ғаллакорлари зафар қучдилар — ўриб-йиғиб олинган дон ҳосили 400 минг тоннадан ошиб кетди.

Давлатга 210 минг тоннадан зиёд дон топширилди.

Воҳа миришкорлари бу йил 342 минг гектар майдонга уруғ сепган эдилар. Бу ўтган йилдагига нисбатан 48 минг гектар кўп демакдир.

Вилоятда ғалла топшириш қизғин давом этмоқда.

• *Тадбиркорлик*

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ ЯХШИ-ДА!

● Жиззах мебель фабрикасида ғўзапоя ва ёғоч қипиғидан ёғоч-толали плиталар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ҳозир ойига 600 квадрат метргача аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиб, жавон, каравот ва бошқа мебеллар ясалмоқда.

Фабриканинг қад кўтариши осон кечгани йўқ. Қурилиш 13 йил муқаддам бошланган, кейинчалик тўхтатиб қўйилган эди. Ниҳоят бу йил ишлар битиб, корхонага дастгоҳлар ўрнатилди. Ҳозир бу ерда 170 нафар ходим меҳнат қилади. Хитойдан келтирилган ёғоч-толали плита ишлаб чиқарадиган линия ўрнатилгач, энг мураккаб муаммо—хомашё муаммоси ҳал қилинди. Маълумки, ёғоч-тахта республикамизга асосан Россиядан келтирилади, ғўзапоя эса ўзимизда етарли. Жиззах фабрикасида ғўзапоядан тайёрланган плиталардан Ўзбекистон мебель саноатининг бошқа корхоналарида ҳам фойдаланилмоқда.

• *Ислоҳот—амалда*

ХАРИДОР ТАНЛОВДА АНИҚЛАНАДИ

● Наманган вилоятида бундан буён меҳмонхона, дўкон, хизмат кўрсатиш корхоналари ва бошқа кўчмас мулкни кимошди савдосидагина сотиб олинмайди.

Республика давлат мулкини бошқариш қўмитасининг вилоят бўлими ҳамда республика биржасининг вилоят филиали кўчмас мулк энди танлов орқали ҳам сотилажагини эълон қилди.

Давлат мулкини хусусийлаштиришнинг бу янги усулининг эътиборга лойиқ томони шундаки, шартномада кўрсатилган маълум вақт давомида сотишга қўйилган мулкнинг иш йўналиши ўзгартирилмайди. Катта маблағ тўлашдан ташқари, бу объектдан келажакда қандай фойдаланиш хусусидаги режаси билан таништирган харидоргина танлов ғолиби бўла олади.

• *Маънавият*

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

● «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси бошқаруви раёсатининг мажлиси бўлди.

Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида маҳалла фаоллари олдига қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Жамғарма раиси Ш. Темуров шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар маҳаллалар ижтимоий, иқтисодий масалаларнигина эмас, балки маънавий ҳаёт даражасини юксалтиришда ҳам катта имкониятга эга экани, бу борадаги фаолиятни янада ривожлантириш зарурлиги ҳақида гапирди.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Наманганда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг сессиясида ва республика Вазирлар Маҳкамасининг биринчи ярим йил якунларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилдилар.

Вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев маъруза қилди. Президент ўз нутқида айтиб ўтган айрим салбий ҳодисалар Наманганда ҳам мавжудлиги таъкидланди. Иқтисодий ислоҳотларни тағин ҳам жадалроқ амалга ошириш керак. Меҳнат жамоалари жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқариш тўғрисида жон куйдиришлари лозим. Фермер хўжаликлари, давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар, савдо ва маиший хизмат иншоотлари жамоалари истеъмол бозорини тўлдиришга ўз ҳиссаларини қўшишлари зарур.

Йиғилиш иштирокчилари йўл қўйилган камчиликларни тугатиш, халқ хўжалиги барча соҳаларининг фаолиятини яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгиладилар.

Фаоллар йиғилишида республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов нутқ сўзлади.

УзА.

УЧРАШУВЛАР МАВЗУИ: ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов яқинда Хоразмда бўлиб, партиямиз маҳаллий ташкилотларининг фаолияти билан танишди.

Биринчи котиб Гурлан туманининг «Намуна» жамоа хўжалиги ва пойабзал фабрикаси, Ҳазорасп тумани ва Дўстлик шаҳри айрим корхоналари, Хонқада қурилаётган ип йигирув ва тўқимачилик фабрикасида меҳнат қилаётган ХДП аъзолари билан суҳбатлашар экан, уларнинг иш фаолияти, меҳнат ва турмуш шароити, Миллий истиқлол мафкураси ғояларини халқ ўртасида тарғиб этиш борасидаги ишлари билан қизиқди. Шунингдек, партиямиз ташкилотларини кишиларни ташаббускорлик, самарали меҳнат қилиш руҳида тарбиялашга даъват этди.

Сафар якунида ХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари котиблари, партиямиз фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказилди. М. Расулов йиғилганлар эътиборини иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда партия ташкилотларининг ҳиссасини ошириш, Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловларга пухта тайёргарлик кўришни таъминлаш, маҳаллаларда бошланғич партия ташкилотларини тузиш ва умуман, аҳоли барча табақалари ўртасида партиямиз обрўйини оширишга қаратди.

У республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида яқинда бўлиб ўтган йиғилишларда сўзлаган нутқларида олдинга сурилган долзарб вазифаларни ҳал этишда ХДП ташкилотлари иштирокини кенгайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Учрашувларда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Ғ. Машарипов қатнашди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Қибрай туманининг салқин гўшаларидан бирида жойлашган қариялар оромгоҳи ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари, туман ҳокимлиги ва турли идоралари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фахрийлар, ёшлар ташриф буюрдилар. Йиғилганлар ҳузурида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби, республика Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов сўзга чиқди.

У миллий мустақиллигимизнинг тарихий аҳамияти, ўтган қисқа муддат ичида Ўзбекистонда рўй берган туб ўзгаришлар, мамлакатимизнинг ўз тараққиёт йўлини танлаб олиши, истиқлолни мустаҳкамлашда маънавий пойдеворнинг ўрни, халқимизнинг асрий урф-одат, анъана ва қадриятлари тикланаётганлиги тўғрисида бафуржа гапириб берди. Мулоқотда республикамиз Президенти И. А. Каримов, ҳукуматимизнинг шу соҳаларда юритаётган сиёсати ва амалий фаолияти, уларнинг самараси хусусида кўплаб далил ва мисоллар келтирилди, партиямиз ташкилотларининг бунёдкорлик ишларига қўшаётган ҳиссаси таъкидлаб ўтилди.

Учрашув иштирокчилари номидан сўзлаган туман уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилотлари уюшмасининг раиси Ж. Хоназаров мазкур учрашувни ташкил этганларга миннатдорлик изҳор этди.

Ўзбекистон халқ артисти Аҳмаджон Шукуров ва туман маданият уйи қошидаги бадиий ҳаваскорлар дастаси аъзоларининг чиқишлари ҳам йиғилиш аҳлини хушнуд қилди.

ХАЛҚ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Аввал ҳабар берганимиздек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Мустақиллик куни муносабати билан уюштириладиган оммавий-сиёсий тадбирлар доирасида тарғиботчилар гуруҳларини жойларга юборишни режалаштирган эди. Куни кеча Ўзбекистон ФА олимлари, партия фаоллари ташкил этган шундай гуруҳлар мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларига йўл олдилар. Уларга жойларда маҳаллий олимлар, адиблар, санъат усталари қўшиладилар.

Гуруҳ аъзолари меҳнат жамоалари, дала шийпонлари, маҳалла ва ётоқхоналарда аҳоли турли табақалари билан учрашиб, Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, истиқлолимизнинг моҳияти ва унинг истиқболи, республика Президенти И. А. Каримов амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари тўғрисида гапириб берадилар, жойларда ислоҳотларнинг бориши ҳақида фикр алмашадилар, йиғилганларнинг саволларига жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК МАТБУОТ МАРКАЗИ.

• *Қишлоқда ислоҳот қандай бормоқда?*

ХАЙРЛИ ҚЎЛ ҚАЙРИЛМАС

ёхуд Ўзбекистон ХДП аъзоси Нишон Раҳматов бошлиқ фермер хўжалиги ҳандай қилиб акционерлик жамиятига айлангани хусусида

Нишон Раҳматов билан яқинда таъмирлаб ишга туширилган жамиятга қарашли сўлим чойхонага яқинлашганимизда юзларини офтоб қорайтирган, чайир, кексароқ кишини учратдик. У салом-аликдан кейин муддаога кўчишга қийналиб, чайналди:

— Ўғлим, бир неча ойдан бери пенсия қоғозларини тўғрилолмай хунобман. Қирқ йил олдин ишлаган жойимдан ҳам справка сўрашади... Бунақа қоғозларни топиш осонми! Бир маслаҳат берсанг, дедим...

У бутун қишлоқ аҳлини яхши билганидек, суяги меҳнатда қотган кўп фарзандли, айни пайтда тўккан тери эвазига рағбат ололмаётган Ғофур ака Аҳмедовнинг ҳолатини юрагидан ҳис қилиб турарди.

— Эртага соат 9.00 да идорага келсангиз... Ёрдам пули ёздириб бераман.

— Умрингдан барака топ! Омин, илойим, эл-юрт назаридан қолма...

Олтин олма дуо ол, деганларидек, Нишон эсини танибдики, дуо билан иймони бутун, ишида унум, дуо билан рўзғорида барака, омад ҳамроҳ. Эзгуликка йўғрилган дуога эса ҳар ким ҳам муносиб кўрилавермаслиги маълум.

Нишон Раҳматов меҳнат фаолиятига назар солсангиз, у шижоату шиддатларга тўла эканлигининг гувоҳи бўласиз. Далил қани, дейсизми? Марҳамат, ёшлик ўти билан Ҳамдам каналининг қийин участкаларида ишлаб, ўзини кўрсатди. Сабзавотчилик бригадасига етакчилик қилганда гектаридан эл қатори 30-40 эмас, 100 центнердан ҳосил олди. Пахтачилик бригадири бўлиб ишлаганида ҳар гектар ер ҳосилдорлигини 50 центнерга олиб чиқди. Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими бундай ўйлаб қараса — қаловини топиб қорни ҳам ёндирадиган бу йигит катта ишончни ҳам оқлашга қодир. Бир йиғилишдан кейин ёнига чақирди.

— Колхоз фермасини қабул қилиб олинг, — деди, — чорвачиликни даромадли тармоққа айлантиришингизга ишонаман...

Ўтган йилнинг май ойида «Ўртасарой» жамоа хўжалигига қарашли 350 бош қорамоли бўлган ферманн расмийлаштириб олди. Қандай қилиб, дейсизми? Ҳа, энди давлат банкидан, ака-ука, дўст-у ёрлардан дегандай, қарз-қурз кўтарди. Бош омон бўлса, дўппи топилади, дейишади-ку! Дастлаб иш қийин кўчди. Шунда жамоа хўжалиги раиси Муқаддас Холиқова мададга келди. Техника, транспорт ва бошқалардан ёрдам бериб турди. Ҳар ҳолда парвоз олдидан қанот ростлаб олиш учун бу ёрдам жуда асқотди.

— Мақсад оёққа туриб олиб, пировард натижани тезлаштириш эди,— дейди у.— Саъй-ҳаракатларимиз ҳам шунга яраша бўлди. Ҳозир асосий нарсаларни сотиб олиб, қарзлардан қутулган пайтимиз.

Уни бошқа гапиртириб бўлмади. Биласизми, одатда кўп иш қиладиган одам камгап иккиландилар. Шунда Нишон Раҳматов ислоҳот талабларидан келиб чиқиб, дадил иш кўрди. Кимки жамоамиз аъзоси бўлса, уни биринчи эҳтиёждаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаймиз, деди. Сўзининг уддасидан чиқди. Иш ҳақи кафолатланади, ойлик маош ой сайин ўттиз фоиздан ошириб борилади, деб ваъда берганди. Унга вафо қилди. Шахсий уй қураётганларга юз донадан шифер, оналардан олинадиган «ҳашар пули» бу йил Н. Раҳматов томонидан «бекор қилинди» ва бу мақсадлар учун 17,5 миллион сўм-купондан кўпроқ маблағ ажратилди. «Ёвқочди» маҳалласи масжиди қурилишига салкам 4 миллион сўм-купон хайрия қилинди. Бундай далилларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хуллас, туман ҳокимининг кадр танлашда янглишмагани исботланди. Эндиликда фермер хўжалиги жамоа хўжалиги балансидан чиқарилиб, у «Намуна» акционерлик жамиятига айлантирилди. Аъзолар сони 70 нафарга етди. Виждонан ишлаганлар 400 сўмдан ошириб ҳақ олаётирлар. Қўлдош Пўлатов, Барот Сарсонбоев сингари ишбилармонлар жамият муваффақиятини оширишга баракали ҳисса қўшаётирлар. Кейинги бир йил ичида қорамоллар сони 100 бошга кўпайди. Уларни бўрдоқига боқиш йўлга қўйилди. Озуқа экинларидан мўл ҳосил олинаётир. Ҳозирнинг ўзида 1,5 йилга етадиган чорва озуқаси ғамлаб қўйилди. Шунингдек, ем заҳираси ҳам баҳоли-қудрат яратилмоқда. Қиш-қировли кунларда унинг маълум қисми жамият аъзоларига арзон нархда тарқатилишига ҳам шубҳа йўқ. Чунки хайрия ишларига ўрганган, савобталаб Нишон Раҳматовнинг кўнгли бошқача иш тутишга мойил эмас. Партиявий виждони ҳам худди шуни тақозо этади.

Абдунабн МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АВСТРАЛИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов 8 август куни Австралиянинг Виктория штатидаги либерал партия котиби, парламент аъзоси Жеффери Коннард раҳбарлик қилаётган Австралия парламенти делегацияси билан учрашди.

С. Саидқосимов меҳмонларга республикамиз ҳукуматининг ташқи ва ички сиёсати, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот хусусида сўзлаб берди. Делегация аъзоларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган мазкур делегация аъзолари — соғлиқни сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ҳуқуқ ва қонунчилик масалалари бўйича мутасаддилардан иборат. Улар бир неча кун мобайнида республикамизнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаёти билан яқиндан танишади.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигига

ҚОНУН УСТИВОР БЎЛСИН

Олдимизда буюк давлат яратиш мақсади турган экан, бунга Президентимиз Ислом Каримовнинг беш тамойилларидан бири бўлмиш қонуннинг ҳамма нарсадан устун бўлиб, унга ҳамма итоат этгандагина эришиш мумкин. Рус адибларидан бири: «Россиянинг фожеаси қонунларнинг йўқлигида эмас, балки қонунларнинг бажарилмаслигида» деган эди. Буюк файласуф Афлотун «Халқ қонунларга эҳтиёж сезиши ва уларни чуқур ўрганиши зарур, чунки улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтиради», деб ёзади. Афлотуннинг фикрича, қонунларни билмаган ва уларга бўйсунмаганлар қонунларни бемаъни дейишни хоҳлайди. Шу сабабли буюк олим қонунларнинг ҳар қандай оқилликдан бениҳоя устун туришини тушунтиради. Биз кимлар учун «кичик», аммо моҳият жиҳатидан катта бўлган айрим қонунлар бажарилмаётганлигини шу рўзнома орқали билдиришни маъқул кўрдик.

Давлатимизнинг Асосий Қонуни — Конституцияда маъмурий бўлинишлар «вилоят», «туман» деб кўрсатилганига қарамай, ҳамон «район», «область» деб аталмоқда. АҚШ, Мексика, Ҳиндистондаги штатлар ҳеч бир тилга таржима қилинмаганлиги сингари Россиянинг областлари, районлари ва Ўзбекистоннинг вилоятлари, туманлари ҳам таржимасиз ишлатилиши керак.

Олий Кенгаш 1991 йил 18 ноябрда қабул қилган Қонунга биноан Давлат байроғи доимий суратда Президент девони, Олий Кенгаш, ҳукумат, маҳаллий ҳокимликлар, Ўзбекистоннинг доимий ваколатхоналари биноларида кўтарилиши керак. Аммо шундай ҳоллар ҳам бўляптики, байрам муносабати билан кўтарилган байроқлар айрим жойларда қишинёзин қолиб кетмоқда. Натижада байроқ оқариб, ўзининг жозибасини йўқотмоқда. Байроқ тўғрисидаги қонуннинг 13-моддасида байроқни беҳурмат қилганлар қонунда белгиланган тартибда жазоланиши айтилган. Демак, бу тўғрида қонун бор экан, у қандай бажарилаётгани тўғрисида тез-тез матбуотда маълумот бериб борилса қонуннинг қадри ошади.

Бир фильм «Ватан нимадан бошланади» деган қўшиқ билан бошланади. Шу саволни ўзимизга берадиган вақт келди. Ватан деганда оддий туғилган тупроқнигина тушуниш керак эмас. Ватан деганда халқ, миллат, тупроқ ҳамда унинг рамзлари бўлмиш — Байроқ, Туғро, Мадҳия, Пул ва Президент тушунилади. Ривожланган барча давлатларда Президент фақатгина давлат тимсоли эмас, балки халқ ва миллат таянчи ҳисобланади. Бунга мисол қилиб, АҚШ, Франция каби давлатларни келтирса бўлади. Агар АҚШ фуқароларига Президенти ҳақида бирон-бир салбий сўз айтсангиз, ўзларини ҳақоратланган деб ҳисоблайдилар.

Туркларнинг қадимий ёдгорлиги бўлмиш «Кул Тигин битиги»да: «Шу хилда қозонилган, барпо этилган давлатимиз, қоида-қонунларимиз бор эди... Тепадан осмон босмаган бўлса, пастда ер ёрилмаган бўлса, эй турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди?» деган гапларни ўқиймиз. Умуман, бу «Битиг»ларда ҳозирги ҳаётимиз билан боғлиқ кўпгина саволларга жавоб топамиз. Ҳар бир сўз остида битта мақсад борлиги аён бўлади,— у ҳам бўлса Ватанга, халққа ва ўзи сайлаган раҳбарга садоқат билан хизмат қилишдир! Ана шунда юрт обод, бой бўлиб, давлат мустаҳкам бўлиши айтилади.

Умуман, ўз қадрини билган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди. Ўз валютамизга ўтишимиз мустақиллигимизнинг яна бир белгиси бўлди. Энди қаддимизни тик кўтариб, бемалол юришимизга имкон яратилди. Миллий пулимизнинг ўзимизда зарб қилиниши ҳамда кўриниши жиҳатидан жаҳоннинг барча пуллари билан рақобатлаша олиши ҳар биримизнинг кўнглимизга ғурур бағишлайди. Энди миллий пулга бўлган муносабатни ўрнак бўларли даражага кўтариш зарур, деб ўйлаймиз.

Биз қонунларнинг устиворлиги тўғрисида фикр юритар эканмиз, улуғ бобомиз соҳибқирон Амир Темур «Тузуклар»ини ҳам қадрлаш жоиз деб биламиз.

Қонун хўжакўрсинга қабул қилинмайди, балки ҳаётга тадбиқ қилиш учун қабул қилинади. Шу борада «Қобуснома»даги бир мисол ўринлидир. Сомонийларнинг вазири бўлмиш Абул Фазл Балъамий Суҳайл Хужоний деган бир кишини Самарқанд ҳокимлигига тайинлайди. Суҳайл кетар куни Абул Фазлга: «Сиз бирор фармон юборсангиз, бирор нишон қилинг, токи мен қайси фармонни айтарни ва қайси фармонни қилмасликни билсам», дейди. Шунда Абул Фазл Суҳайлни мансабдан озод қилиб: «Эй, Суҳайл, бизнинг икки фармонимизнинг бири рост ва бири ёлғон эканини қачон кўрмиш эдинг. Бизнинг фармонимиз бирдур, дарҳол ул ишни қилурлар ва ҳар ишни қилмоқ тиламасак, ҳаргиз буюрмасмиз», дейди. Афсуски, Суҳайлга ўхшашлар оз бўлса-да учраб туради.

Мен БУЮК ЮРТ
ўғлидирман,
Мен башар
фарзандиман.
Лекин аввал Сенга бўлсам,
СОДИҚ ЎҒЛОН,
ЎЗБЕГИМ!

деб куйлаганда шоир ҳақ эди. Қачонки, ўз қадрини билган инсон халқига, ўз Президентига содиқ бўлар экан, албатта келажаги буюк давлат яратишга ишончи ортаверади, ишида барака— унум ҳам бўлаверади.

Ўрол АБИЛОВ,
2-Тошкент Давлат тиббиёт институти фалсафа кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
институт Ўзбекистон тарихи кафедрасининг ўқитувчиси, институт Ёшлар Иттифоқи қўмитаси котибининг ўринбосари.

• *Қадриятларимиз*

НОМ ҲАМ ҲУСН

«Давлат тили тўғрисида»ги Қонун асосида кўпгина нуқсонларимиз тузатилмоқда. Жумладан, жой номлари ҳам. Бу борада Наманган вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг халқимиз қалбидаги армон бирин-кетин ушалмоқда. Унинг қаърида сақланиб ётган кўпгина хайрли ишларга кенг йўл очилди. Жумладан, «Давлат тили тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниши ғоят муҳим воқеа бўлди. Шунингдек, вилоят, шаҳар ва районларда ҳокимлик тизими жорий этилиши халқ талаблари ҳамда етилган муаммоларнинг ўз вақтида ечимини топишига туртки бўлди. Айниқса, Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг маъмурий-ҳудудий бирликларнинг номларини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги Фармони бир қатор савобли ишларни амалга ошириш имкониятини берди.

Бу борада Наманган вилоятида аҳолиси кўп, ҳудуди катта, бошқариш оғир бўлган қишлоқлар бўлиниб, 8 та янги қишлоқ тузилди, 13 қишлоқ, 7 та аҳоли пунктларининг аталиши ўзгартирилиб, уларнинг тарихий номлари тикланди. Жамоа, давлат хўжаликлари, мактаб, кўча ва бошқа бир қатор объектларга муносиб ном берилди, ёҳуд уларнинг номлари ўзгартирилди. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, муаммо ва баҳслар туғилади, албатта. Аммо нима бўлганда ҳам жой номлари чуқур ўйланиб қўйилиши даркор. Бироқ ҳамиша ҳам шундай бўлмаяпти.

Бугун жойларга ном беришда ким ўзар тариқасида иш тутилмоқда, десак муболаға бўлмас. Чунки жуда кўп жойларда масалага жамоатчилик билан бамаслаҳат, чуқур мулоҳазалар асосида ёндошилмаяпти. Аксарият ҳолларда жойларга кишиларнинг номлари берилмоқда. Айрим фуқаролар «Менинг отам урушда ҳалок бўлган», «Менинг ўғлим Афғонистонда ўлган, ахир» деган таклифлар билан асоссиз талаблар ҳам қўймоқдалар. Шу ёки айрим соҳаларда фаол хизмат қилган кишиларнинг хизматлари асос қилиб олиниб, катта-катта объектларга уларнинг номлари берилмоқда. Шошмашошарликнинг хуниқ оқибати ҳақида битта мисол келтириш жоиз.

Поп районидаги 6-ўрта мактабга Афғонистонда халок бўлган Қосимжон Эрматовнинг номи унинг отасининг талабига кўра берилган. Орадан бироз вақт ўтгандан сўнг Қосимжоннинг тириклиги аниқланган. Отаси Афғонистонга бориб, уни она юртга қайтишини илтимос қилган. Бироқ у кўнмаган. Кейинчалик жамоа мактабга иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган А. Жаннатовнинг номини берган. Бироқ А. Жаннатов тақдирланган орден-медалларни тасдиқловчи ҳужжатлар тўлилмаган. Қолаверса унинг номида кўча ҳам мавжуд. Бунинг устига қишлоқда А. Жаннатов каби уруш қатнашчилари кўп экан. Ана шу сабабларга кўра туман ҳокимлиги ҳужжатларни қайтарган. Мактаб жамоаси уларни қайта кўриб чиқиб, Шароф Рашидовнинг номини беришга қарор қилган. Мана, қанча оворагарчилик. Умуман кишиларнинг номларини бериш масаласига жиддийроқ қарамоқ керак.

Бир вақтлар қаерга қараманг, Ленин номи, унинг ҳайкали, ҳеч бўлмаса бюсти савлат тўкиб турарди. Бу билан у қалбимиздан ўрин олдими? Йўқ! Ҳозирда ҳам Алишер Навоий, Бобур, Мирза Улуғбек, Амир Темур, Бобораҳим Машраб, Чўлпон, Шароф Рашидов каби кўплаб улуғ зотларнинг номлари такрор ва такрор бериляптики, бу уларнинг обрўсига обрў қўшармикан, деган ҳаёлга бораман. Менимча, вилоятда мавжуд бўлган номларни қайта берилишига йўл қўймаслик жоиз.

К. ТЎЛАБОЕВ,
Наманган вилоят атама-шунослик комиссияси котиби.

• *Атама ва тушунчалар*

ИШБИЛАРМОНЛИК ЛУҒАТИ

БАНК (французча сўз) — кредит-молия муассасаси; уларнинг энг асосий вазифаси вақтинча бўш пул воситаларини бир жойга тўплаш, корхоналарга ва умуман пулга муҳтожларга кредит, ссуда бериш, пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш, пул ва турли қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, олтин ва чет эл валюталари билан боғлиқ муаммоларни бажариш ва бошқалар. Банклар пул қўювчиларга маълум фоиз тўлаб, қарз олганлардан юқорироқ фоиз улуш ундиради. Ана шу фоизлар ўртасидаги фарқдан банк фойдаси ҳосил бўлади. Ҳозирги даврда қуйидаги асосий банк турлари фаолият кўрсатади:

Марказий (эмиссия) банклар («банкларнинг банки») мамлакатнинг жами кредит тизимига раҳбарлик қилади, давлат пул-кредит сиёсатини амалга оширади, пул ва қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясини монопол ҳуқуқда амалга оширади.

Тижорат банклари жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга хилма-хил банк хизмати кўрсатади (депозитларни жалб этиш, вексель ҳисоби, кредит бериш, қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва сотиб олиш).

Махсус банклар муайян мижозлар гуруҳига хизмат кўрсатади ёки айрим ҳаракатларга ихтисослашади (инвестицион, жамғарма, савдо, қишлоқ хўжалиги, ташқи савдо, ипотека ва бошқалар).

Кооператив банклар товар ишлаб чиқарувчилар томонидан пай асосида барпо этилади, таъсисчиларнинг кредит ва бошқа банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондиради. Тармоқ ёки худудий принциплар бўйича ташкил топади, тижорат банкларининг бир кўринниши ҳисобланади.

Универсал банклар ҳамма турдаги асосий банк ҳаракатларини амалга оширадиган банклар.

Мулк шаклига кўра: давлат банки, акционер, ширкат, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, аралаш (давлат иштирокида) ва халқаро банклар бор. Ҳозир банклар фаолиятида тижоратлашув, хусусийлашув жараёни кечмоқда.

БАНКНОТЛАР (инглизча) банк билетлари, кредит билетлари — марказий эмиссия томонидан чиқариладиган қоғоз пуллар. Банк билетлари давлатнинг аҳолига сотадиган товарлари ва давлатнинг олтин заҳирасига асосланади. Улар олтин, қимматбаҳо металлар ва давлат банкининг бошқа фаоллари билан таъминланади.

БАРТЕР, бартер келишуви (инглизча — товар айирбошлаш)— пулсиз бевосита товар айирбошлаш. Кўпроқ ривожланмаган товар муносабатлари даври учун хос бўлган келишув. Ҳозирги замон бартер келишувининг аниқ шакллари — валютасиз айирбошлаш, компенсация келишувлар, турли хил клиринглар. Бартер ҳозирги шароитда аҳолини истеъмол моллари билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

БИЗНЕС (инглизча) — даромад келтирадиган ёки бошқа наф берадиган хўжалик фаолияти (касб-кор, машғулот); соҳибкорлик — тижорат ишлари билан шуғулланиш, пул топиш мақсадида бирор иш билан банд бўлиш. Бизнес товар ишлаб чиқариш ва уни сотиш, хизмат кўрсатиш, транспорт ва бошқа соҳалардаги фаолиятдир. Бизнес хўжалик юритиш кўламига қараб, йирик, ўрта ва майда турларига бўлинади. Йирик бизнесга асосан ишлаб чиқаришда 500 дан ортиқ киши банд бўлган, ўрта бизнесга 20-500 киши банд бўлган корхона (фирма)лар ,майда бизнесга 10-20 ва ундан кам киши ишлайдиган корхоналар киради.

Йирик ва ўрта бизнесга асосан йирик ишлаб чиқариш, кўп сонли товарлар ишлаб чиқарадиган, механизациялашган ва автоматлаштирилган соҳалар киради. Майда бизнес қишлоқ хўжалиги, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида кенг тарқалган. Майда бизнес шароитга тез мослашувчанлиги билан ажралиб туради. Чунки унинг фаолияти катта маблағ талаб қилмайди ва кичик маблағни тез топиш мумкин. Майда бизнес самарали бўлганидан кенг тарқалади, айниқса, йирик бизнес учун қулай бўлмаган соҳаларда авж олади.

Уйчи туманидаги «Соҳибкор» мева-сабзавотчилик хўжалиги аъзолари бу йил 560 тонна ўрнига 600 тоннадан зиёд полиз маҳсулотлари етиштириб, эл дастурхонига тортиқ этишди.

Суратларда: 1. Ижарачи Икромжон Усмонов ва Нўъмонжон Дадахонов. 2. Боғда мўл ҳосил етилибди. 3. Ижарачи Мамлакат Қосимова.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

ЯГОНА ТИББИЙ КОРХОНА

Тошкент шаҳар Қаюм Муртазоев кўчасидаги 12-уйнинг биринчи қаватида мўъжазгина икки хонада республикада ягона «Отоларинголог» кичик корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Унинг директори Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг қулоқ, томоқ, бурун касалликлари кафедраси профессори Саидакром Асқарович Ҳасанов биз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди.

— Аввалларимиз чет эллик шифокор олимлар билан учрашиб қолсак, очиғи, уларга ҳавасимиз келарди. Чунки улар бирор институтда бўлғуси шифокорларга таълим бериш билан бирга ўзларининг хусусий клиникаларида беморларни даволайдилар ҳам. Бу биз учун бир орзу эди. Мустақиллик шарофати туфайли шундай имкониятга эга бўлдик. Кичик корхона очиш истаги билан Юнусобод туман ҳокимлигига мурожаат этганимизда, мана шу бинода иш бошлашимизга кўмаклашишди.

Ҳозир икки шогирдим билан иш олиб боряпмиз. Қани эди шундай кичик корхонадан бир нечаси очилса...

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бугунги сиёсати беморларга шифохонада эмас, поликлиника шароитида хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, иқтисодий тежамкорлик билан тиббий хизмат сифатини яхшилашдан иборат. Олиб борган илмий кузатувларимиздан шундай хулосага келдикки, қулоқ, томоқ, бурун касалликлари билан оғриган 70—80 фоиз беморни поликлиника шароитида даволаса бўларкан.

Кичик корхонамизда хизмат кўрсатиш пуллик. Бироқ бу нарса жамиятимиздаги кишиларни тоифага ажратиб қўйиши турган гап. Шу боис тиббий ёрдам кўрсатилишида барча тенг ҳуқуқли бўлиши учун суғурта тиббиётини жорий этишни тезлаштириш лозим. Ёки ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси, маҳкамалар, ташкилотлар ўз ишчиларининг саломатлигини сақлаш, лозим бўлганда даволаш ишлари учун маблағ ажратиш борасида ижобий ўзгаришлар қилишлари керак. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан эса, тиббий муассасаларни хусусийлаштиришни жадаллаштириш зарур.

Суҳбатдош Абдумажид ЭРГАШЕВ.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● КИЧИК КОРХОНАЛАР

ЧЎҒДЕК ГИЛАМЛАР

● СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Олтинсой туманида 70 га яқин хусусий корхона фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган хусусий корхоналар сони яна биттага кўпайди. Ишбилармон М. Қораевга қарашли «Раббоний» кичик корхонаси туман марказида замонавий гилам цехи қурди. Бу ерда ишлаб чиқариладиган чўғдай гиламларга эътибор кучайиб, Олтинсойга хориждан ҳам харидорлар келишса, ажабмас.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.

● ОБОДОНЧИЛИК

УРГУТЛИКЛАР КЎМАГИ

● БУХОРО (мухбиримиздан). Шофиркон тумани маркази тобора ободонлашиб бормоқда.

Бу ерда тадбиркорлар 30 га яқин катта-кичик дўконларни қурмоқдалар. Бу хайрли ишни бажаришда уларга ургутлик меъморлар яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Янги савдо расталари Шарқ меъморчилиги асосида бунёд этилмоқда. Уларни қуриб, Истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

• *Юрти бойнинг—ўзи бой*

«МАРОҚЛИ МУЖДАЛАР УЧСА МАЧАЙДАН»

Бир донишманд, одамларнинг турмуш даражаси уларнинг меҳнат қилиш даражасидан ёмон бўлмайди, деган экан.

Бу гапни энди бирон жамоагами ёки хўжаликками боғлаб ҳам айтиш мумкин. Масалан, «Мачай» жамоа хўжалигининг иқтисодиёти унинг меҳнат фаолияти даражасидан ёмон эмас...

Кўплар «Мачай»ни калхўз деб эмас, қишлоқ деб тушунишади. Бойсун туманидаги бу қишлоқни тоғу тошлар салтанатидаги табиати антиқа, одамлари ажойиб маскан, дейиш мумкин. Дарбанд кўпригидан шимол томонга тортилган ва «Мачай»га қадар йигирма чақиримча чўзилган тош йўлдан юриб кўрсангиз, кейин айтасиз; тоғлиқларнинг тош салтанатига бўйсунишга асло тоблари йўқлигини. Дарбандликлар «Дарбанд», мачайликлар «Мачай» деб атайдиган кичкинагина дарё шовуллайди.

Биз Хўжамайхона булоғига тушиб ўтдик. Хўжамайхонани «булоқ» эмас, ариғ, аниқроғи, тоғ ости ариғи деб атаса бўлади. Чунки сув бу ердан отилиб чиқмайди. Худди ариқникига ўхшаб тоғ кўксидан оқиб чиқади. Мўъжизани кўринг: ярим кубдан зиёдроқ сув оқиб келаяпти. Ҳамиша шундай. Балиқлар ғуж-ғуж.

— Суви хўразакка даво, — дейди туман партия кенгашининг биринчи котиби Хушмурод Холмўминов. — Илгарироқ Бойсунда биринчи котиб бўлиб ишлаган Хомяк деган одам қишда ана шу булоққа келиб чўмилишга одатланган. Булоқ ичкариси — ғор. Хўкиздай балиқлари бор, дейишади.

Дарвоқе, 1992 йилда Хўжамайхона сувини Бойсун шаҳрига, Чилонзор қишлоғига олиб боришга киришилди. 18 километрча қувур тортилди. Лекин, айтиш керак, одамлар бу хайрли ишнинг давоматидан хурсанд эмас. Агар Рўзи Алиқулов бошлиқ «оби-ҳаёт» 1-қурилиш бошқармаси қувурни тезроқ тортиб берса, биз қурувчиларнинг ҳақига дуо қилардик, дейишмоқда бойсунликлар.

Ниҳоят, қоялар орқада қолади. Йўл юқорига ўрлайди, тошлоқ дарёси, арчалар ўсган баланд тепаликлари ўзига ярашган озода маскан кўз олдингизда намоён бўлади.

Эътибор қилгансизки, гапнинг даромадини биз «Мачай» колхўзидан бошлаганмиз. Шундан келиб чиқиб қишлоқ тарихию унинг одамлари ҳақидаги гапни насиб этса, кейинги галга қолдирамизда, колхўзнинг ишлаб чиқариш фаолиятига бир назар ташлаб ўтамиз. Фикрни мухтасар ифодалашда мачайликларга ҳавасим келди.

Калхўздан олган йиллик даромадим бултур 116 минг сўмга тўғри келди, — дейди Сафаралиев Муродалиман деб ўзини таништирган шофёр.

— Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 1993 йилда 5400 сўм теварагида бўлди, — дейди юк машинаси бортидан енгилгина сакраб тушган йигит пальтосининг ўнгирини қоқиб. Билсам, бу калхўзнинг бош буғолтири Жўраев Турдимурод экан.

Кўряпсизми, ҳар қандай бепарво одам ҳам шу икки гапдан сўнг хўжалик иқтисодидан шамол эсиб қолганини англайди—қўяди. Қишлоқ фуқаролар йиғинининг котиби бўлмиш Болтаев Мажид аканинг гаплари яна ҳам эсда қоларлик; — ўттиз икки йил совет ўқитувчиси бўлиб ишлаганман, — дейди Мажид ака. — Ҳа, оғам, бизлар бир давлетне (қон босимли демоқчи) одаммиз. Колхўзимиздаги айрим ишлар давлениемизни бадтар оширади. Тўқсон иккинчи йилнинг май ойида сел келди, денг. Фуқароларнинг шахсий молларига деярли зиён бермаган сели тушмагур колхўзнинг гўё 600 майда молини, 47 қорамолини оқизиб кетганмиш. Ана йилда 118 та майда мол сел олиб кетган деб чиқим қилинган.

Мен бўлсам Мачайдай жойнинг қолоқ бўлиб қолганига ишонмайман. Агар аҳолиси уч мингдан сал кўпроқ хўжаликнинг тасарруфида 7 минг гектардан зиёд ер борлигини, ёғингарчиликнинг мўллигини, ғалла, беда, ҳатто, сабзавот экинларининг айрим турлари лалми етиштирилиши мумкинлигини, иқлими ёғоч билан ёғочбоп дарахтлар ўстиришга қийинмаслигини айтсам, сиз ҳам ишонмайсиз, Ва менга ўхшаб, «Мачай» шунча имконият билан наҳотки қолоқ бўлса, деб туман деҳқончилик саноати уюшмасининг раиси Рустам Жабборовга мурожаат қиласиз.

Жабборовнинг қўлидаги маълумотлар эса сизни хурсанд қилолмайди. Энди қаранг: колхўзда борйўғи 85 бош қорамол бор экан. Бу ҳам аллақайси бир ҳиссадорлик жамияти ҳисобига ўтказиб юборилган. Майда молларни (эчкиси) 730 та. Ҳар юз бош сигирдан бултур 23 тадан бузоқ, ҳар юз эчкидан 65 тадан улоқ олинганига нима дейсиз. Гектарлаб беданинг ўрилмай қолаётгани, ғалладан ниҳоятда кам ҳосил олинаётгани ҳам рост гап.

Ғалабанинг отаси кўп бўлади, бу ғирромчиликни ёзинг, ука. Бу колхўзда сигирлар туғмайди. Бедалар ўрилмасдан қолиб кетади. Туманнинг катталари бўлса бу ердаги раҳбарлардан, ҳей, отинг нимайди, деб сўрамайди.

Хўжалигимиз қолоқлик ботқоғига ботиб қолган. Ана шундай. Туман суғурта идорасининг бошлиғи Неъмат Тўраевнинг айтишича, 1992 йилда 257 та. 1993 йилда 118 та майда мол сел олиб кетган деб чиқим қилинган.

Менглининг гапларидан жавоб топгандай бўлдим. Менглибойнинг ҳозир 14 қорамоли, 19 йилқиси бор. 104 гектар ерда етиштирилган ғалласи, бедаси ўрилмасдан қолмади. Олган ҳосили ҳам биноийдай. Ёнилғини ҳам, техникани ҳам ўзи топади. Техника тополмасам, отга қўшиладиган косилка топаман. Менга деса тош ёғмайдими, ҳосилни ерда қолдирмайман, дейди у Уйғуннинг Назир отасига ўхшаб. Бу саволга мен қишлоқ касалхонасида рўйхатдан ўтказувчи (регистратор) бўлиб ишлаётган Алиқулов Каромат деган йигитнинг гапларидан жавоб топгандай бўлдим.

—Вилоятимизда менимча бир жойда оплепиха дарахти ўсади. Бу ҳам бўлса — Мачай, —дейди Каромат. — Оплепихани биз томонларда чаканданинг мевасини тайёрлайдиган корхона очайлик, мойини тайёрлайлик, дарахтларини кўпайтирайлик, дедим. Раис эшитмаганга олди. Бизда жигарни ювадиган диғбай деган ўт ўсади. Аччиқ бодом бор. Бошқа ўсимликлар... Бу зироатлардан малҳам тайёрлашдан осони йўқ. Шу ишни йўлга қўйишсин-чи, «Мачай» миллиардер колхўзга айланади. Фақат ташкилотчи керак.

Бу йил хўжаликда бир миллион туп ёғочбоп дарахт кўчати ўстириш мўлжалланибди. — Агар юқори идораларнинг топшириғини кутиб ўтирмасдан бу ишни беш-ўн йил илгарироқ бошлаганимизда борми, «Мачай» колхўзи эҳтимол вилоятнинг ёғоч омбори бўлиб қолиши мумкин эди,— дейди «Мачай» фуқаролар йиғини раиси Беккелди Сафаров.

Ваҳолонки, колхўз ўзи қура бошлаган идоранинг томини ёғоч йўқлигидан ёполмай, харобага айлантириб қўйибди.

Сафаров бошлиқ идоранинг қошида мен Эшматов Худойберди деган йигит билан гаплашиб қолдим. Уч-тўрт ойдан бери ишламапти. Демак маош йўқ. Қиш пайти бекор юрмасдан манави ишни эрмак қилиб тур, дейдиган одам йўқ. Ҳунарманднчилик дўкони, маиший хизмат нуқтаси йўқ.

Энди айтинг: уч-тўрт ойлаб маош олмагани учун ёки ишлаганда ҳам бир нав иш ҳақи олаётгани учун Эшматовнинг ўзи айбдорми? Биз унга нима дейлик. Колхўз боқолмаётган бўлса, ўзингнинг кунингни ўзинг кўр. Шаҳардан амирқоча тамакию «Распутин» ароғини олиб келиб қишлоғингга пулла, дейликми. Эшматов бир мачайлик бўлса, олиб сотарликка мутлақо қўл урмас. Лекин яхшироқ яшамоғи учун нима қилсин? Бу саволга Эшматов бизни қаноатлантирадиган жавоб тополадими, йўқми — билмадик. Лекин бунақа саволларга жавоб топишга масъул бўлганидан Эшматовдан кўра уч-тўрт ва ҳатто ўн баровар кўпроқ маош олиб турган одамлар бор: раису буғолтир, иқтисодчию агроном, уюшмаларнинг раислари-ю мутахассислари ва ниҳоят ҳокимлик бор.

Кўриб турибсизки, биз осмондан келиб ҳам, осмондан олиб ҳам гапирмаяпмиз. Фалончи ёмон ишлаяпти, деб бировнинг кўнглини қабартириш ниятимиз йўқ. Мақсадимиз... Сафаралиеву Эшматовлар, биз зўр яшаяпмиз деб, бағирларни тўлиб мақтанишса. Бир ҳаваскор шоир ёзганидек, мароқли муждалар учса Мачайдан...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 66

1994 йил 9 август.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.



BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зараралидир!

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ҳурматли ёшлар, агар сиз дунёвий ва диний фанларни биргаликда ўрганиш ниятида бўлсангиз, Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси ҳамкорлигида очилган «Фатх Имом Хатиб» лицейига марҳамат қилинг.

Ҳужжатлар 1994 йил 10 сентябргача суҳбат орқали лицей биносида қабул қилинади. Лицейга 9-синф маълумотига эга, 16 ёшгача бўлган ўғил болалар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинган толиблар кунига 3 маҳал бепул иссиқ-овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар.

ТАҚДИМ ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

1. Лицей мудирига ариза.
2. Соғлиғи ҳақида маълумотнома.
3. Маълумоти ҳақида ҳужжат (Аслидан нусха).
4. Яшаш жойидан маълумотнома.
5. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома.
6. 6-дона сурат (5Х6 ҳажмида).

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

Тошкент вилояти, Занги-Ота тумани, Назарбек қишлоғи, Ҳ. Олимжон кўчаси-23.

КОД: 294. ТЕЛ: 46-275.

ЎзРФА «БИОЛОГ» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ УСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича докторантура ва аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДОКТОРАНТУРА:

генетика — 1 ўрин;

АСПИРАНТУРА:

генетика

кундузги — 1 ўрин;
сиртқи — 1 ўрин;

ўсимликлар физиологияси

кундузги — 1 ўрин, сиртқи — 1 ўрин;

молекуляр биология

кундузги — 3 ўрин, сиртқи — 1 ўрин.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати: эълон чиққан кундан бошлаб 3 ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилади:

700143, Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 28.

ЎзР ФА «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОШКЕНТ ТУМАНИДАГИ

10-СОН ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИ

1994—1995 ўқув йили учун 11-синф ҳажмида маълумотли, 30 ёшгача бўлган йигит ва қизларни

АСАЛАРИЧИ — ТРАКТОРЧИ
мутахассислиги бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1 йил. Ўқиш даври узлуксиз меҳнат фаолиятига киради. Билим юртини аъло баҳо билан битирган ўқувчиларга асаларичилик олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади. Улар институтга конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқувчилар стипендия, тўрт маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, талабалик гувоҳномаси билан таъминланадилар.

1995 йил 3 апрелдан ишлаб чиқариш амалиётига юборилади.

Жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларидан йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун ҳамда ўқишни тугатганларидан сўнг ўз жойларига ишга юборилади.

Ўқувчилар амалиёт даврида ишлаган иш ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

Ўқишни битиргандан сўнг ихтисослик бўйича диплом берилади. Ўқишга кирувчилар билан 1994 йил 31 август куни суҳбат ўтказилади. Ўқиш 1994 йилнинг 1 сентябридан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: билим юрти раҳбари номига ариза, хўжаликдан йўлланма, таржимаи ҳол, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида шаҳодатнома (асли), тавсифнома, турар жойидан маълумотнома, 3Х4 ҳажмидаги 6 дона сурат, тиббий маълумотнома (086-У андозада).

Ҳужжатлар 30 августгача қабул қилинади.

Билим юртининг манзили: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, А. Абдураҳмонов номли жамоа хўжалиги, 2-бўлим 10-сон ХБЮ. Телефон 56-689.

Билим юртига «Чорсу» метро бекатидаги автостациядан 466-автобусда бориш мумкин.

Янги хорижий никоҳ кўйлагини ижарага бераман. ТЕЛЕФОН: 56-39-50.

Н. К. Крупская номидаги Тошкент педагогика билим юрти томонидан 1980 йил 3 октябрда Шукурова Дилором Зиётовна номига берилган ВТ-1 496391 сонли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Республика Алоқа вазирининг биринчи муовини Тоҳир Ғофурович Раҳимовга умр йўлдоши Раъно РАҲИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади ва ҳамдардлик билдиради.

Республика пилла етиштириш бирлашмаси жамоаси Жиззах туманидаги Улуғбек номли пиллачилик жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Эргаш МАМАДИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги вазирнинг биринчи муовини Т. Ғ. Раҳимовга рафиқаси Раънохон Нигмоновна РАҲИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Apple Macintosh компьютерлари барча имкониятларга бой

Бугун Apple компанияси сизларга бир қатор компьютер турларини арзонлаштирилган нархларда таклиф этмоқда. Сизнинг эътиборингизга Macintosh LC475- ҳар ҳил корхоналар учун энг мос, энг қувватли компьютерни намойиш этамиз. Ушбу компьютер қуйидаги имкониятларга бой: Оператив хотираси миқдори - 4 Мб; қаттиқ диск миқдори - 80 Мб; дисплей- 14" SVGA; Ўзбек, рус, араб, турк ва бошқа тиллардаги операцион тизимга эга. Apple ишлаб чиқарадиган 1.44 Мб миқдорли Супер-Драйв Сизга MS-DOS, OS/2 ва барча бошқа тизимларда яратилган хужжатларни ўқишга имконият беради. Макинтош компьютерлари ички LocalTalk алоқа тизимларига эга, демак бир неча компьютерлар орасида алоқа тузиш учун Сиз ушбу Макинтош компьютерларни ўзаро улашингиз керак, ҳалос. Дарҳақиқат, Макинтош компьютерларининг имкониятлари чексиздир!

Нархи эса атиги : $1495

Телефон: 32-38-68

ABSYS- бу Apple Computer, Inc. корпорациясининг Марказий Осиё давлатларидаги расмий дистрибьюторидир.

Apple расмий дилерлари - Нурон,Ltd.- 67-22-08;

ВаДиМ, Ltd.- 33-14-19; TEKNESIS-INFO консорциуми - 67-19-10;

"Ўзбексавдо" ДАА РИХМ -39-40-48.

ABSYS Authorized IMC

©1994 Apple Computer, Inc. All Rights Reserved. Apple and the Apple logo are registered trademarks of Apple Computer, Inc.

«ЖЎРА» ПУЛ—БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

БЎЙИЧА 1994 ЙИЛ 10—11 МАЙ КУНЛАРИ ЖАРҚУРҒОН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН БИРИНЧИ ТИРАЖНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

(Давоми. Бошн 62-, 64-, ва 65-сонларда).

Серия номери	Билет номери	Ютуққа чиққан буюмлар номи ёки пул ютуғи миқдори (сўм-купон)		Ютуққа чиққан буюмларнинг қиймати (сўм-купон)
020395	084*	1000		
020403	060*	25.000		
020445	1—100	200		
020498	1—100	200		
020501	031*	1000		
020590	010*	1000		
020647	081	500		
020658	021*	1000		
020703	1—100	200		
020731	020*	1000		
020795	1—100	200		
020803	1—100	200		
020854	098*	1000		
020966	092*	Совға		15.000
021006	010*	500		
021076	062*	1000		
021149	022*	1000		
021154	1—100	200		
021220	028*	10.000		
021328	1—100	200		
021336	016*	1000		
021579	048*	1000		
021592	001*	50.000		
021600	086*	1000		
021618	077*	Совға		15.000
021766	073*	500		
021791	1—100	200		
021832	077*	10.000		
021904	076*	1000		
021954	034*	2×3	метрли палас	35.000
021968	022*	10.000		
022026	1—100	200		
022061	090*	10.000		
022069	024*	Совға		15.000
022079	027*	1000		
022096	076*	1000		
022125	089*	2×3	метрли палас	35.000
022318	099*	10.000		
022339	1—100	100		
022441	082*	автомобиль		3.500.000
022671	034*	1000		
022846	028*	1000		
022849	047*	2×3	метрли палас	35.000
022966	1—100	200		
022985	1—100	100		
023006	1—100	100		
023082	080*	1000		
023102	1—100	100		
023120	095*	1000		
023228	021*	1000		
023240	014*	1000		
023278	010*	500		
023286	1—100	200		
023461	048*	500		
023486	071*	1000		
023508	002*	1000		
023526	049*	1000		
023639	052*	10.000		
023740	022*	1000		
023841	078*	1000		
023875	076*	10.000		
023941	036*	1000		
023958	1—100	100		
024027	011*	10.000		
024032	1—100	200		
024044	036*	50.000		
024050	021*	10.000		
024120	037*	1000		
024134	062*	1000		
024139	091*	25.000		
024158	067*	2×3	метрли палас	35.000
024228	065*	10.000		
024284	098*	1000		
024351	018*	1000		
024379	012*	1000		
024402	013*	1000		
024426	021*	1000		
024522	098*	1000		
024540	1—100	200		
024554	021*	500		
024742	088*	1000		
024837	1—100	200		
024870	091*	1000		
024978	071*	1000		
025078	1—100	100		
025084	070*	1000		
025089	068*	1000		
025112	1—100	200		
025218	054*	1000		
025243	1—100	200		
025255	062*	10.000		
025269	081*	1000		
025283	064*	10.000		
025368	075*	1000		
025414	1—100	100		
025421	046*	1000		
025515	075*	1000		
025520	028*	1000		
025526	027*	1000		
025562	057*	2×3	метрли гилам	70.000
025565	002*	10.000		
025627	1—100	100		
025710	026*	10.000		
025747	037*	2×3	метрли палас	35.000
025774	047*	1000		
025808	066*	1000		
025824	025*	1000		
025847	051*	1000		
025879	001*	10.000		
025925	034*	500		
025472	031*	1000		
025980	1—100	100		
025984	021*	1000		
026156	073*	1000		
026193	021*	500		
026205	1—100	200		
026229	003*	1000		
026260	1—100	100		
026334	1—100	200		
026398	051*	2×3	метрли палас	35.000
026464	1—100	200		
026472	011*	Магнитафон		100.000
026532	032*	1000		
026562	1—100	100		
026569	032*	10.000		
026577	071*	25.000		
026620	006*	500.000		
026649	002*	10.000		
026685	011*	10.000		
026695	066*	100.000		
026713	087*	1000		
026720	058*	1000		
026745	009*	1000		

(Давоми навбатдаги сонларда эълон қилинади).

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ.

Ҳафтада бир марта чиқади. Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади. ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 344, 346-хоналар. Индекс: 75487.

• ОХУНЖОН ҲАКИМОВ—60 ЁШДА

Охунжон ака ўзимизники. Бегона эмас. Тўй кунида қанча мақтасак, дилтортар хотираларини бир эслатсак арзийди. Боиси, у киши шу газетанинг нонини еган. Қувонч — ташвишига доимо шерик. Дарвоқе...

Ўзбекистонда Охунжон Ҳакимов номи кириб бормаган гўша йўқ десак лоф бўлмас. Бу ёғи қўшни республикаларда ҳам уни яқиндан танишади. Негаки, яхши шоирнинг катта юртда яхши номи бўлади. Шу ном уни кўтариб юради.

Унинг шеърлари қўшиқлар тимсолида кўнгилларни аллақачон забт этган. Кўнгиллардан ўрин олганларига эса ортиқча таърифу — тавсифнинг ҳожати йўқ. Тилагимиз — шоиримизнинг умри узун бўлсин. Файзли шеърлари ила дилларимизга доимо ёруғлик бахш этсин!

САОДАТ БУ

Элу юртинг омон бўлса, саодат бу, саодат бу,
Замонанг тинч замон бўлса, ҳаловат бу, ҳаловат бу.
Агар қўлинг дароз эрса, донмо тик парвоз эсанг,
Яратганнинг ўзи қилган иноят бу, иноят бу!
Сен ёқмасанг, ёнмас олов, номардлардан чиқмагай дов,
Ришватсиз одам бўлмоқ — хаёлот бу, хаёлот бу.
Дуч келганни айлаб дуо ризқу рўзин топар гадо,
Йўқ жойдан ризқ бўлса ато — хаёлот бу, хаёлот бу.
Кўкармагай бахил боғи, ўчмас яхшилар чироғи,
Минг йилларни бўйлаб келган далолат бу, далолат бу.
Дўст дўстидан юз ўгирса, ғаним билан хуррам юрса,
Қани, сўзланг, биродарлар, на ҳолат бу, на ҳолат бу?
Сўзлаб инсоф, диёнатдан, ор этмаса хиёнатдан,
Инсон учун ҳақорат бу, ҳақорат бу, ҳақорат бу!
Туққанига берсаю панд, отага терс боқса фарзанд,
Охунжон, чин сўзни десам, қиёмат бу, қиёмат бу!

ЭРТАК ЭМАСДИР

Инсонни йўлидан оздирмоқ учун
Дунёда афсунлар, ҳиллолар бордир.
Уни маломатга қолдирмоқ учун
Алдовлар, макрлар, риёлар бордир.
Шунданми, заҳматга раҳмат келмагай,
Изингдан юргувчи жафолар бордир.
Баъзан йиғлай десанг, йиғлай олмассан,
Бўғизда қотгувчи нидолар бордир.
Дунё меники деб жар солма, ҳей зот,
Ёзмишингда дорилбақолар бордир.
Бошқалар бошига балолар бўлма,
Сенга ҳам тикилган балолар бордир...
Охунжон, саодат эртак эмасдир,
Эҳтимол, дунёда ҳумолар бордир!

НЕ МУДДАОЛАР ҚИЛДИЛАР

Усма тортиб ул малак қошин қаролар қилдилар,
Қора қошига тикилсам, иддаолар қилдилар.
Мен карам истар эсам кўзимда не-не илтижо
Воажаб, минг бир ситамни ихтиролар қилдилар.
Илтифот қилсанг нетар, э, гули жаннат, десам
Хўп дея дўзах азобини атолар қилдилар.
Мен жунунлар ҳолатига кулмаган эрдим сира
Воҳ, жунунлар қилдилар, телбанамолар қилдилар...
Қўл чўзиб унга топиндим, оҳларим етмас бироқ,
Бизни тупроқ билдилар, ўзни самолар қилдилар.
Бағритошдан кеч десам, кўнглим сўзимга кўнмади,
Еки афсун қилдиларми, бир балолар қилдилар...
Давлатинг кам бўлмагай-ку илтифот қилсанг десам
Биз учун битта нигоҳни тўтиёлар қилдилар.
Билсангиз дўстлар, Охунжон муддаоси васл эди,
Билмадимки, ул малак не муддаолар қилдилар?

НА ДАРКОР

Оқил бўлсанг, бундан ўзга зийнат на даркор,
Хонадонинг обод эрса, жаннат на даркор?
Меҳнат билан олқиш олсанг элу диёрдан
Шу толедан ортиқ қадру қиммат на даркор?
Йигит бўлсанг, сен даврининг юкини кўтар,
Элу юртга қуруқ шаклу суврат на даркор?
Бошингнимас, осмонларда тутгил орингни,
Эр кишига маломату миннат на даркор?
Тама қилма ўзгалардан меҳру марҳамат,
Назру ниёз ҳиди келган ҳиммат на даркор?
Саодатни сабот билан топгил, Охунжон,
Машаққатсиз кулиб боққан омад на даркор?

ХАЁЛЛАРИМ ТЎЗИБДИР...

Қошларингни табиат қалам билан чизибдир,
Киприкларинг атайлаб найза каби тизибдир.
Нафасингдан уфорлар тараб ўтсанг дегайман:
Гулзору чаманлардан ширин сабо эсибдир...
Юзма-юз келган чоғлар ёнса яноғинг гулгун
Дерман: ул офатижон дилимдагин сезибдир!
Офтоб оташларидай кўзингга боқиб дерман:
Қароқларин чақнаши чақинлардан ўзибдир!
Висол иштиёқи-ла уйғундир ширин хаёл,
Ҳушим учиб бошимдан, хаёлларим тўзибдир...
Марҳамат этгил энди шайдойингга, сабабким,
Ул синоқ сўқмоғида ҳаддан зиёд кезибдир!

• Спорт

ПАХТАКОРЧИЛАР ХОТИРАСИ

● Тошкентда собиқ пахтакорчилар хотира-совринни учун анъанавий мусобақа давом этмоқда.

Эртадан кейин, яъни «Пахтакор» жамоаси авиация ҳалокатига учраган куни ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган мусобақанинг ҳал қилувчи ўйинлари бўлади. Бу галги мусобақа пахтакорчилар хотирасининг 15 йиллигига бағишлаб ташкил этилган. Ҳозирча «Пахтакор» ҳамда Бишкек шаҳар футболчилари пешқадамлик қилишмоқда.

ЧАПДАСТ ЧАВАНДОЗ ЭДИ

● Мухлислар моҳир чавандоз, халқаро тоифадаги спорт устаси Мамажон Исмоилов номини ҳурмат билан тилга оладилар.

Тошкентда моҳир чавандоз хотирасига бағишлаб ўтказилган мусобақа кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. От ўйнатган чавандозлар астойдил маҳорат кўрсатиб, мукофотли ўринларни олишга ҳаракат қилдилар. Тўсиқлардан ошиш баҳсларида Даврон Рўзимуҳамедов, Вадим Коновалов, Даврон Ғофуровлар мукофотли ўринларни эгалладилар.

«НЕФТЧИ»ГА УМИД БОҒЛАБ

● Эртага Фарғонада Осиё чемпионлари кубоги учун саралаш мусобақалари бошланади.

Маълумки, Жамбул шаҳрида Осиё кубок эгалари кубоги учун ўтказилган мусобақада пахтакорчилар имкониятни бой бериб, мухлисларни ранжитишган эди. Шу боисдан ҳам ишқибозлар «Нефтчи»га кўпроқ умид боғлашмоқда. 16 августга қадар давом этадиган учрашувларда Павлодарнинг «Ансат», Ашхободнинг «Копетдоғ», Душанбенинг «Ситора» ва Бишкекнинг «Олға» жамоалари куч синашадилар. «Нефтчи» дастлабки учрашувни «Ситора» билан ўтказади.

Илҳом Ниятов Дўстлик туманидаги «Райҳон» кафесида меҳнат қилади. Яқинда жамоа аъзолари «Райҳон»ни хусусийлаштириб олишди. Шундан кейин аҳолига хизмат қилиш сифати яхшиланди.

Суратда: Илҳом Ниятов.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

• Луқма

ҲАЙДОВЧИЛАР РАНЖИМАСИН

Миллий валютага ўтиш, истеъмол бозорини тўлдириш мақсадида Андижон вилояти ҳокимлигининг қарори билан шаҳарда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркаси ташкил этилган эди. Бундай хайрли ишда иштирок этишга бел боғлаган Бўз тумани вакиллари негадир ранжиган кўринишади. Сабаби ярмаркага мўлжалланган маҳсулотлар билан бирга гўшт юкланган автомашинани бошқариб келаётган ҳайдовчининг ҳужжатлари шоҳбекат яқинида ДАН инспектори томонидан олиб қўйилган экан.

Аввалига йўл қоидаси жиддий бузилган бўлса керак, деган фикрга бордик. Аммо Улуғбек номли жамоа хўжалигининг ҳайдовчиси Мадаминжон Юнусов бунинг аксини айтмоқда.

— Навоий шоҳ кўчасига чиқиш қулайлиги учун шоҳбекат рўпарасидаги катта йўлдан келаётган эдим. ДАН инспектори Нурматовга: «Мен ярмаркага келяпман, машина тўла сабзавот ва сотишга мўлжалланган гўшт ҳам бор, ҳидланиб қолмасин, десам пинагини бузмай, ҳужжатимни олиб қўйди».

Албатта, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ДАН хизмати ходимларининг вазифаси. Айни пайтда ёнилғи тақчил бўлишига қарамай, узоқ йўл босиб шаҳарликларга дала саховатини етказиб келишга бел боғлаган ҳайдовчиларнинг бундай аҳволга солинишини қандай тушуниш керак? Ҳар ҳолда ДАН назоратчиси ҳайдовчи айбини бўйнига қўйиб, кейин ҳужжатни олса, бундай дилхиралик юзага келмасди.

И. ЭГАМНАЗАРОВ,
журналист.

Р. АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Долзарб мавзу

ДИЁНАТГА ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ

ТАҚЧИЛ МОЛ-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИ РЕСПУБЛИКАДАН ТАШҚАРИГА НОҚОНУНИЙ РАВИШДА ОЛИБ КЕТАЁТГАНЛАР ВА УЛАРНИНГ ЙЎЛИГА ҒОВ ҚЎЙИШ БОРАСИДА ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ БОШ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ С. А. АЛИМБОЕВ БИЛАН СУҲБАТ.

— Собит Аҳмадович, аввало сизни янги лавозимга тайинланганингиз билан табриклаймиз ва айни пайтда оғир ҳамда шарафли вазифани муваффақиятли адо этишда сизга омадлар ёр бўлишини тилаймиз. Ҳаммага маълумки, божхона ҳам Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги билан баравар туғилган ташкилот, унинг жамоаси олдида жуда катта, масъулиятли вазифалар турибди.

— Ҳақ гапни айтдингиз. Бугунги ўтиш-тикланиш даврининг ўзи мураккаб иқтисодий бўҳронлар орқали кечади ва буни ҳаммамиз кўриб турибмиз. Божхонанинг асосий вазифаларидан бири эса ўз ваколати доирасида республиканинг иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилишдан иборатдир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва йўлйўриқлари, ҳукумат қарорлари бизга дастурламалдир.

— Шундай экан, дастлаб Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 июлдаги фармойишининг бажарилиши бўйича гаплашсак. Яъни, нон ва нон-булка маҳсулотларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишга қарши қураш бўйича қандай чора-тадбирлар қўлланилмоқда?

— Нон-таомларнинг султони! Бу ҳақда ҳадисларда ҳам қайд қилинган, олиму фузалолар, тиббиёт билимдонлари кўп ва хўп ёзишган. Ўттизинчи йиллар бошидаги қурғоқчилик туфайли рўй берган дон қаҳатчилиги оқибатида юзлаб кишилар очликдан ҳалок бўлгани, даҳшатли уруш йилларида эса бир бурда нонга зор инсонлар кунжара еб шишиб кетгани, бир дона нонга ҳовучлаб тилла зебу зийнатлар алмаштирилганини биламиз. Биламизу, минг афсуски, у кунларни унутиб юборганмиз, эслашни, бугунги авлод бўлмиш фарзандларга эслатишни хоҳламаймиз. Натижада, тўқликка шўҳлик рўй бермоқда: ҳамон умумий овқатланиш корхоналарида нонниг учдан, тўртдан бири исроф қилиниб, чиқитга чиқарилаяпти ва ахлат челакларида молларга элтиб берилмоқда. Бу ҳам майлику-я, айрим ноинсоф кишилар дўкондан нон харид қилиб молларни боқишаяпти. Бунинг сабаби, республикамизда нон молнинг емидан арзонроқ. Бунинг сабаби — давлатимиз ва ҳукуматимиз раҳбарияти бугунги иқтисодий мураккаб шароитда халққа ғамхўрлик қилиб, нонга асл баҳосидан кўра анча арзон нарх белгилаб қўйган, баҳодаги қолган тафовутни қоплашни давлат бюджети ўз зиммасига олган. Ошхоналар ва дўконлардаги ходимлар, уларга мутасадди раҳбарлар эса бу меҳрибонликни суиистеъмол қилиб, мана шу шароитдан ҳам шахсий бойлик орттириб қолиш пайидан бўлмоқдалар.

Ҳаёт мазмунини фақат пул йиғишдан иборат деб биладиган, эл-юрт нима, Мустақиллигу Истиқлол нима эканини заррача ҳис этолмайдиган, миллату Ватани учун жон куйдириш каби оддий инсоний туйғулардан бебаҳра бундай кимсалар қачон инсофга келаркин, қачон халқнинг ризқига чанг солишдан ўзини тияркин — ўйлаб ўйингга етолмайсан.

Ҳар сафар республикамиздаги барча вилоятлар божхона хизматларидан навбатчилик қисмига келиб тушаётган маълумотлар билан танишаётиб, юқоридаги ўйлар хаёлдан кечади, гоҳи фактлар нафратингни қўзитса, баъзилари юрагингни зирқиратиб юборади. Айниқса, ҳозирги кунда аҳолига талон орқали меъёр билан сотилаётган, Президентимизнинг шу йил 21 январдаги Фармонига асосан республикадан ташқарига олиб кетилиши тақиқланган камёб озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам мўмай даромад дардида чет давлатларга элтиб пуллашга ружу қўйганларининг тез-тез учраётгани афсусланарлидир.

Масалан, мана бу мисолни кўринг.

Шу йил 15 июль куни Ғиштқўприк божхона постида 53—51 ЧММ номерли автобус тўхтатилганида, унга 20 қоп — 1.400 килограмм ун ортиб қўшни давлатга кетаётгани аниқланди. Ҳайдовчи Ж. Асқаров, юкнинг эгаси — Сандаҳмад Эштоев. Бу киши Чимкент вилояти Келес туманидаги автопаркда диспетчер бўлиб ишларкан. У-ку, бошқа давлат фуқароси, лекин Янгийўл ун заводидан чиққан, Ўзбекистон аҳолисига меъёрлаб сотилаётган бу маҳсулотни қайси Ўзбекистон фуқаролари қўшқўллаб тутқазишди унга. Нега, ниманинг эвазига? Бу саволнинг иккинчи қисмига жавоб ҳозир давом этаётган суриштирувлардан сўнг топилади, биринчи қисмига жавоб эса тайин: Янгийўл тумани матлубот жамияти «Халқобод» ишчилар ширкатига қарашли 12-дўкондан ҳарид қилинган. Яна шуниси афсусланарлики, «Халқобод»да бундай фактлар илгари ҳам рўй берган. Чамаси, огоҳлантириш, хайфсан каби кўзбойлоғич енгил-елпи жазолар натижасида айнан шундай фактлар такрор содир этилмоқда. Жазосизлик янги жиноятларни туғдириши оддий қонуниятдир...

— Сиз амалиётчи-ҳуқуқшуноссиз, Тошкент вилояти ва пойтахт шаҳар ички ишлар бошқармаларида ишладингиз, Туркияда малака оширдингиз. Демак, сизда ички давлатдаги қонунчилик аҳволини таққослаш имкониятлари ҳам бор. Айтингчи, мол-моддий бойликларни ботмонлаб чет давлатларга элтиб пуллаётганларга нисбатан ҳозирги мавжуд қонуний чора-тадбирлар сизни қониқтирадими, агар қониқтирмаса, нималар қилиш мумкин?

— Бу саволингизга жавобан авваламбор шуни айтиш керакки, мустақил давлат тизимимизда божхона янги хизмат. Вақт ўтган сари божхонанинг ўзи ҳам, у ҳақдаги қонун-қоидалар ҳам такомиллашиб бораверади. Божхона тўғрисидаги Кодекснинг лойиҳаси тайёрланганига ярим йил бўлди, лекин унинг айрим бандлари устида ҳозир ҳам ишланаяпти, таҳрир ва ўзгартиришлар киритилмоқда. Шунингдек, божхона фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида яқинда Вазирлар Маҳкамасига ҳам қатор таклифлар берилди. Ана шу ҳужжатлар тезроқ қонуний кучга эга бўлса, ишимиз анча енгил кўчади, равонлашади.

Энди саволингизга бевосита жавобга келсак, юқорида фикр юритилган шахсларга нисбатан ҳозирги мавжуд жазо шуки, агар тақиқланган мол-маҳсулотни олиб кетаётган бўлса, ушланган юк мусодара этилиб, ўзи энг кам иш ҳақининг 5—7 баравари миқдорида жаримага тортилади. Бир машина ундан 5—6 минг сўм фойда кўраётган шахсга 500—600 сўм ҳам жазоми? Қолаверса, у машиналаб ун ёки чой сотишни биринчи ва охирги марта қилаётгани йўқ, шунинг учун мусодара ҳам унга чивин чақканчалик таъсир қилмаслиги мумкин, чунки бунақа «тадбиркор»ликни 5—10 марта силлиқ амалга ошириб, бир мартасида қўлга тушгандир?

Шу муносабат билан, мулоҳаза учун бир таклифни ўртага ташлаш зарур кўринади: **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармонига асосан республикадан ташқарига олиб кетиш тақиқланган мол-маҳсулотларни катта миқдорда (қўл юкидан ташқари) олиб кетаётганда ушланган шахсларга, мол сотиб олган манбаси аниқ ёки йўқлигидан қатъий назар, катта миқдорда (масалан, ушланган молининг қийматига нисбатан ўн баравар кўп) жарима солиш ёки жиноий жавобгарликка тортиш жазоси белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Албатта, бу вақтинчалик чора. Эртаниндин бозор ва пештахталаримиз мол-маҳсулотга тўлиб кетгач, бунақа чора-тадбирлар кун тартибидан тушиб қолади.**

— Кўраяпмизки, бу ташмачиликлар асосан автотранспорт воситаларида амалга оширилмоқда. Автокорхоналар раҳбарлари ва хусусий машина эгаларига жиддийроқ жазо чоралари белгиланса — ғов анча мустаҳкам бўлмайдими?

— Жуда тўғри масалани кўтардингиз. Камёб мол-моддий бойликларимизнинг республикадан ташқарига ноқонуний равишда олиб кетилишига чек қўйиш ёки камайтиришнинг чораларидан бири — ташиш транспортлари ҳайдовчиларию мутасаддиларига нисбатан жиддийроқ жазо белгилашда кўринади. Чунки, тонналаб камёб юкларни олиб кетаётган ҳайдовчи ҳам, ҳайдовчига руҳсат бериб қўйган автокорхона раҳбари ҳам ана шу ишнинг ноқонунийлигини жуда яхши биладилар. Фикримизни бир-иккита мисоллар билан мустаҳкамлайлик: шу йил 1 июль куни Бухоро вилояти божхоначилари 08—80 ХЗЛ ва 59—60 ХЗЛ номерли ЛАЗ автобусларини тўхтатиб текширганларида, «Урганч—Бишкек» йўналиши бўйича саёҳатга чиққан «сайёҳлар» шу икки автобусда жами 8 тоннаю 62 килограмм пахта ёғи, 20 килограмм чой ва 10 минг 850 дона кирсовун олиб кетаётганлари маълум бўлди. Икита автобусда атиги 21 йўловчи — сайёҳ бор, қолган жойларда эса юзлаб канистрларда, 100—200 литрлик бочкаларда (салонда) (!) пахта ёғи ортилган! Ҳақли савол туғилади: ушбу автобуслар қарашли бўлган «Ўзбектуризм»нинг Хоразм вилояти бўлими автобазасидаги мутасаддилар бундан бехабарми, улар ва ҳайдовчилар пахта ёғи аҳолига талон орқали сотилаётган танқис маҳсулот эканини билишмайдими? Билишади. Бўлмаса, нега бундай ишга қўл уришди, иккита юк машинасига зўрға жойлашадиган юкни иккита автобус салонига жойлаб юборишди? Жавоб битта: пул, пул ва пул...

Бозор иқтисоди, хусусийлаштириш, ишбилармонлик ва тадбиркорликка кенг йўл очиб қўйиш — буларнинг бари ҳалқимиз турмуш даражасини кўтариш, юрт фаровонлигини ошириш мақсадида қилинаётган хайрли ишлардир. Бироқ, бу имтиёзлар баъзи жойларда ва айрим кимсалар томонидан суиистеъмол қилиниб, бунинг натижасида халқнинг ризқ-насибасини қирқиш орқали баъзи кишиларнинг бойишига омил бўлмоқда. Ҳозир йирик юк машиналари, тракторлар ва ҳатто автобусларнинг хусусийлашгани одатий ҳол бўлиб қолди. Айни пайтда, ана шу хусусий автотранспортлар аксарият ҳолларда молмоддий бойликларни ноқонуний равишда республикадан ташқарига ташиб кетилишига хизмат қилмоқда. Масалан, шу йил 12 июлда Ғиштқўприк божхона постида тўхтатилган 0 79—14 СН номерли «Икарус» автобусида қўшни давлатга кетаётган Ҳаким Зиётов 165 килограмм чой, Абдураҳим Абдураҳмонов 2008 дона кирсовун, Муҳаббат Исмоилова 700 килограмм чой ортишибди. Хусусий автобус ҳайдовчиси ва соҳиби Саидхошим Хусейнов Самарқанд шаҳар спорт қўмитасида ишлармиш. У кимларга ва уларнинг қандай мақсадлари учун хизмат кўрсатаётганини билмасдими? Билар эди, фақат, мўмай йўлкира унинг виждонини сўқир қилиб қўйган ва таваккал йўлга тушган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1993 йил 23 ноябрда эълон қилинган пленуми қарорида республикадан ташқарига ноқонуний равишда мол-моддий бойликларни олиб кетаётганда ушланган автомашиналарнинг раҳбарларига жиддий чоралар кўриш, хусусий автомобиллар эса иккинчи марта шундай иш билан қўлга тушса уни жиноят қуроли сифатида мусодара қилиш белгиланган. Бироқ, орадан шунча вақт ўтди, амалда бу ҳужжатнинг кучи кўринмади.

Шу муносабат билан, автомашиналар айнан ана шу жиноят қуроли бўлгани учун, ноқонуний ташишлар уларда амалга оширилаётганини назарда тутиб, ҳайдовчи ва мутасаддиларга нисбатан таъсирчан жазо чораларини тадбиқ этиш зарурга ўхшайди. **Масалан, республикадан ташқарига олиб кетиш тақиқланган юкни тонналаб ортиб Россияга кетаётган автомашина тегишли бўлган автокорхона раҳбарларини биринчи марта огоҳлантириб, иккинчисида нега ишдан четлатиш мумкин эмас! Бундай ишни бажараётган хусусий автомобилни биринчи мартанинг ўзидаёқ мусодара қилинса, бошқалар бу қинғир йўлга ўйлашиб киради.**

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳайдовчи ҳам, автомобиль хонаси раҳбари ҳам ноқонуний ишга қўл ураётганларини, шахсий бойлик илинжида халқ ризқини қияётганларини жуда яхши биладилар. Биладилар-у, мўмай даромад олдида ўзларини тиёлмайдилар. Тиёлмасликларига эса жазосизлик йўл очиб қўйибди. Инсоф, диёнат, виждон танқис бўлган жойда жазони кучайтиришдан ўзга чора йўқ, фақат шу йўл билангина мақсадга эришиш, қаллоб-муттаҳамларнинг йўлига ғов қўйиш мумкин.

Тўхтамурод ТОШЕВ суҳбатлашди.

• Ёднома

БИРИНЧИ БЎЛИШ ОСОНМАС

Биз кўрган яқин ўтмишда миллий кадрларга ҳадиксираб қараш, ишончсизлик билиниб турарди. Буни пайқаш қийин эмасди. Миллий кадрларга нисбатан иккиланиб қараш баралла бўлмаса-да, уларни танлаш, ишга тайинлашда Москванинг меъёрларига бўйсунишга мажбур эдик.

Солиҳ Исаевич Умароводек билимдон, амалиётчи раҳбар 30—40-йилларда камдан-кам топиларди. Тўғри, у 30-йиллардаёқ «Ўзбекбирлашув» тизимида иқтисодчи-статист бўлиб ишлаган. Кейин бошқа қатор юқори лавозимларда ташаббус кўрсатиб меҳнат қилган. 50-йилларнинг охирларида Гўштсут саноати вазири лавозимига кўтарилиб, тармоқ тараққиётига баракали ҳисса қўшди. Тенгдош, касбдошларининг эслашича, у 1957 йили СССР Банкининг Ўзбекистон республика Давлат банки бошқарувчиси лавозимига тайинланганида баъзи ҳамкасблари ҳайрон қолишган. Наҳотки, миллий кадрлардан ҳам бошқарувчи чиқса? Чунки улардан биринчи бўлиб шу лавозимга Солиҳ Исаевич тайинланган эди-да!

Давлат банки нозик жой саналиб унинг бошқарувчилигига муттасил бошқа миллат кишилари тайиланиб келинган. Солиҳ Умаров ўзбеклардан чиққан биринчи республика банки бошқарувчиси сифатида ардоқли ва эъзозлидир.

Солиҳ Умаров ҳаёт бўлганида 85 ёшга тўлган бўлар эди, Ўзбекистондаги мустақиллик одимларини, айниқса, банк тизимидаги мисли сиз ўзгаришларни кўриб қанчалар ғурурланган бўларди. Биз миллатимизнинг ардоқли кишилари билан ҳақли равишда ҳар қанча фахрланса арзийди.

Ғайни НАЖИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдуҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асқиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Знёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоҳосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-43, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Нукусда — 7-58-83;
Бухорода — 3-54-87; Каршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Қўқўрғонда — 52-624;
Жиззахда — 3-31-86; Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76; Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: И. СУЛАЙМОНОВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. топширилди—22.40 1 2 3 4 5 6.